# «БУНДАЙ ҲАРБИЙЛАРНИ ЕНГИБ БЎЛМАЙДИ»

Президентимиз Ислом Каримов шу йил 16 июнь куни ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг қандай кечаётгани билан танишиш мақсадида Сурхондарё вилоятига ташриф буюргани юртдошларимизга маълум. Ташриф давомида Юртбошимиз пахтачилик ва ғаллачилик бўйича республикамизда ўзига хос ўринга эга сурхондарёлик миришкорлар билан учрашди. Мулоқотлар давомида қишлоқда деҳқончилик маданиятини янада шакллантириш, ер унумдорлигини, деҳқон даромадини ошириш, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиш, янги иш ўринларини яратиш, ишни тўғри ва самарали ташкил этиш каби қатор масалаларга эътибор қаратди. Шунингдек, келажагимиз давомчилари бўлган болажонларни баркамол этиб тарбиялаш йўлидаги ислоҳотлар самараси бўлган замонавий болалар спорт мажмуида бўлиб, яратилган шарт-шароитлар билан танишди.

Ҳаётда ўз исботини топган бир ҳақиқат бор. Тинч-осойишта юртга тўйлар, бунёдкорона ўзгаришлар ярашади. Юртимизнинг жанубий сарҳади ҳисобланган Сурхондарёда ҳам тинчлик, осойишталик ҳукмрон экан, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самара бермоқда, халқнинг фаровонлиги ортиб бормоқда. Бу Ватаннин, истиқлолнинг ишонган посбонлари, қалқонлари борлигидан, уларнинг ўз постида доимо ҳушёр, сергак эканлигидан. Президентимиз вилоятга ташрифи давомида юрт сарҳадларини муносиб қўриқлаётган ҳарбийлар билан учрашди. Майор Дилшод Насриддинов командирлик қилаётган ҳарбий жамоада жанговар тайёргарлик ва ўқув машғулотлари қандай ташкил этилгани, ҳарбий хизматчилар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишди. Мутасадди раҳбарларга амалий топшириқ ва тавсиялар берди.

Юртбошимиз катта лейтенант Дилшод Ҳайдаров етакчилик қилаётган взвод шунқорлари билан бўлган суҳбати давомида жаҳондаги бугунги халқаро аҳвол, Марказий Осиё минтақасига, хусусан Ўзбекистонга нисбатан айрим давлатларнинг геосиёсий қизиқишлари ортиб бораётгани, юртимизга таҳдид солаётган халқаро терроризм, диний экстремизм, наркобизнес сингари хавф-хатарлар ва уларга қарши курашиш чоралари ҳақида алоҳида тўхталди.

Ҳарбийнинг куч-қудрати юрагидаги оловида, «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?» саволига муносиб жавобида, қалбининг туб-тубида ётган ватанпарварлик туйғуларини уйғота билишда эканлигини таъкидлар экан, Президентимиз «Бундай ҳарбийларни енгиб бўлмайди», деди.

Тинчлик, осойишталик осмондан, ойдан тушмайди. Шундай тасаввурда юрганлар кўкдан чалпак кутаётганлар бўлиб чиқади. Демак, тинчлик қадрига етмайдиганлар нурли истиқбол йўлидаги ўзгаришлар, янгиланишлар қадрига етмайди. Шу маънода гапирар экан, Юртбошимиз Ўзбекистон келажаги юртимизнинг бугунги тинчлигига, мусаффо осмонига боғлиқлигини Ватан ҳимоячиларига уқтириб ўтди.

Ислом Каримов Андижонда содир этилган террорчилик ҳаракатларитўғрисида гапирар экан, юрт ҳимоячиларидан унинг негизида нима ётганини сўради. Офицер, сержант, аскарларимиз бирин-кетин фикрлар билдиришди. Улар ўз жавоблари билан юрт ҳимоячисининг дунёқараши кенг эканлигини, теран мулоҳаза юрита олишини исботлашди. Нафақат қўлида қурол билан, балки бедор қалби билан, бедор онги билан ҳамиша жанговар шай эканликларини намоён этишди. Аслида ҳам шундай бўлмоғи керак. Ахир, асл юрт ҳимоячисининг кучи билагида эмас, маънавиятида.

Андижондаги хунрезлик моҳиятига тўхталар экан, давлатимиз раҳбари унинг тасодифан рўй бермаганлигини, тинчлигимизга раҳна солишга уринган заҳарли илонлар мамлакатимиздан ташқарида узоқ вақт тайёргарлик кўришганига эътибор қаратди.

«Демократия – бу халқ иродасининг ҳукмронлигидир. Қаерда халқ хоҳиши ҳукмрон бўлса, демократия бўлади», деди жумладан Президентимиз ўз сўзида. Бунга давлатимиз раҳбари бежиз тўхталмади. Андижон воқеалари ташкилотчилари, ташаббускорлари ўз қабиҳ ниятларини демократия, эркинлик билан хаспўшлашга уринишди. Аммо бир савол пайдо бўлади. Демократия халқ иродаси ҳукмронлигининг ифодаси экан, уни «импортга» – четдан олиб келиб бўладими?

Шуни таъкидлаш лозимки, Юртбошимизнинг ҳарбий хизматчилар билан бўлган суҳбати Мустақилликни, юрт тинчлиги, халқимизнинг осойишта ҳаётини ҳимоя қилишни бурч деб биладиган эр ўғлонлар зиммасига ҳар қачонгидан ҳам ҳушёр, сергак, огоҳ бўлишдек юксак масъулиятни юклади.

Президентимиз билан суҳбатда бўлган ҳарбийларнинг бу масъулиятни қай даражада ҳис қилишаётганини билишга ҳаракат қилдик.

**Катта лейтенант Дилшод ҲАЙДАРОВ, взвод командири:**

-Взводимиз сараланган, ўз касбининг усталари бўлган профессионаллардан иборат. Ўқув машғулотларида террорчиларга қарши кураш, гаровдагиларни озод қилиш ва шу каби машқларни бажариб келамиз. Жамоамиз шайлиги тобора юксалиб бормоқда. Президентимиз кўрсатмалари, йўл-йўриқларидан келиб чиқиб, муқаддас бурчимизни аъло даражада ўташга сўз берамиз.

**Шартнома бўйича хизмат оддий аскари Улуғбек БОЗОРОВ:**

-Президентимизнинг сизларни ҳамиша қўллаб-қувватлайман, ҳатто тўйлар қилсангиз қатнашишга ҳаракат қиламан, деган самимий сўзлари замирида биз ҳарбийларга оталарча ғамхўрлик бор. Профессионал бўлишга аҳд қилган ҳарбий сифатида ишонтириб айтаманки, Президентимга, халқимга, бурчимга доимо содиқ қоламан.

Шуни англаб етдимки, самимий тарзда кечган бу суҳбат она-юрт ҳимоячиларининг юрагидаги оловни алангалатди. Қалб туб-тубида ётган мардлик, жасорат,садоқатга янгича куч, янгича ранг берди.

**Майор Ш. ТОЛМАСОВ.**

За строкой Постановления Президента

# ДНЮ НЕЗАВИСИМОСТИ – НАШ ТРУД, ДЕРЗАНИЯ И ВДОХНОВЕНИЕ

Время необратимо, его понапрасну тратить нельзя, надо действовать. В последние дни Президентом страны подписан целый блок новых указов и постановлений, которые направлены на ускорение нашего продвижения вперед, углубление процессов либерализации, на активизацию человеческого фактора.

В частности, опубликовано Постановление «О подготовке и проведении праздника Независимости». Глава нашего государства совершил поездку в Сурхандарьинскую и Кашкадарьинскую области, чтобы на месте ознакомиться с ходом социально-экономических реформ.

У узбекистанцев ко Дню независимости – особое, трепетное отношение. Это – самый дорогой и великий праздник всего нашего народа. Отмечается он по особому. Задолго до праздника каждое предприятие, организация, производство, каждая семья, каждый гражданин готовят к этой знаменательной дате свои подарки. Это стало общенациональной традицией. Потому что за последние годы **«наш народ, – отмечается в постановлении, – полностью осознал суть и значение независимости, свою самобытность, то, потомками каких великих предков является, стремится жить в гармонии с национальными и общечеловеческими ценностями».**

В постановлении далее указывается, что **«внедрение идей независимости в сознание и сердца соотечественников, особенно молодого поколения, занятие достойного места в мировом сообществе являются необходимым условием создания демократического государства, гражданского общества и гарантией национального прогресса».** Задача, в общем-то, несложная. Однако в условиях обострения обстановки в мире и регионе, непрекращающихся атак международных террористов и религиозных экстремистов решить ее непросто. Дело усугубляется тем, что некоторые страны не избавились от двойных стандартов в отношении к международным террористам и экстремистам. Более того, сегодня они блокируются с идеологами так называемого «демократического фундаментализма», которые теперь уже под видом цветных революций пытаются протащить в жизнь, прежде всего стран на постсоветском пространстве, свои, только им присущие образцы демократического развития. Краски – новые, а идея стара как мир – обеспечить себе политическое господство в регионе, прибрать к рукам национальное богатство этих стран. Сейчас те и другие фундаменталисты озабочены одним – подорвать в нашей стране социально-политическое и идейное единство, гражданское и межнациональное согласие, нашу волю к миру и стабильности, нашу сплоченность вокруг Президента, разработанного им курса реформ, дискредитировать руководство республики и наши достижения за годы независимости.

Каковы эти достижения? Выделим главные из них, характеризующие наше нынешнее состояние и наши успехи ко Дню независимости.

**В сфере государственного строительства.** Важнейшим достижением независимости является то, что в исторически кратчайшие сроки в **нашей стране создана сильная государственная власть в центре и на местах,** в полной мере отражающая торжество закона в жизни общества и государства, соблюдение прав граждан, принцип справедливости.

**В сфере экономики.** Наша страна, первая среди стран СНГ, обеспечила стабильно высокие, поступательные темпы развития экономики. Особенно показателен был прошлый год. Не снижаются темпы роста и в этом году. Так, по данным Министерства экономики и Госкомстата республики в первом квартале этого года ВВП увеличился по сравнению с тем же периодом прошлого года на 4,8 процента, объем промышленного производства – на 8,3 процента, сельского хозяйства – на 6,6 процента, производство потребительских товаров – на 16,4 процента.

Этому активно способствовали продуманная денежно-кредитная политика, введение конвертируемости сума по текущим операциям, рост прямых иностранных инвестиций, продолжающаяся структурная перестройка экономики, сбалансированность Госбюджета, который в I квартале завершен с профицитом. Узбекистан уверенно наращивает экономическую мощь, настойчиво продвигается вперед по пути обновления и прогресса.

**В сфере социальной.** Экономические успехи страны активно влияют на улучшение жизни населения. Основные индикаторы, характеризующие качество жизни народа, выглядят следующим образом: ВВП на душу населения увеличился на 3,8 процента; реальные денежные доходы населения выросли на 13,5 процента; размер средней пенсии увеличился на 25,6 процента; заработной платы на 22,9 процента; в первом квартале этого года создано 128,3 тысячи новых рабочих мест; введена накопительная пенсионная система.

**В сфере военного строительства.** Продолжается процесс углубления военной реформы. Основные задачи военных кадров сформулированы Президентом страны, Верховным Главнокомандующим Вооруженными Силами в его январском Праздничном поздравлении защитникам Родины. Совершенствуется система подготовки военных кадров, в том числе и кадров высшей военной квалификации, совершенствуется система организационного построения и управления войсками, улучшается процесс боевой подготовки на основе внедрения передовых технических средств и технологий, новых современных методов обучения, повышается интеллектуальный уровень военнослужащих, их компетентность и профессиональное мастерство, улучшается процесс общественно-политической подготовки, повышается уровень духовно-нравственного, патриотического и морально-психологического воспитания.

События в Андижане еще раз показали, что наши военнослужащие проявили мужество и самоотверженность при выполнении задач по обеспечению безопасности нашей независимой Родины, мира и стабильности в стране и регионе. Они кровью и потерями, терпением и отвагой продолжили нашу отечественную древнейшую традицию – быть верными родной земле, матери-Родине, народу и воинскому долгу.

Пройдут годы, десятилетия, но подвиг героев, подлинных сынов Отчизны, грудью защитивших мир и спокойствие на нашей земле от безумства международных террористов и религиозных экстремистов, навсегда останется в нашей памяти. Он и впредь будет звать нас к бдительности, духовной собранности и исторической зоркости.

**В сфере международной.** Узбекистан уверенно и с достоинством входит в мировое сообщество. Прошедшие годы доказали и показали всему миру, что Узбекистан был и остается на острие борьбы с международным терроризмом и религиозным экстремизмом, выступая в этой борьбе последовательно и бескомпромиссно, без двойных стандартов, способный защитить свои национальные интересы, мир и стабильность в стране.

Несмотря на ожесточенную, заранее спланированную США и Великобританией информационную атаку западных СМИ, Узбекистан уверенно действует, опираясь на нормы международного права, в интересах страны, сохранения мира и стабильности в стране и регионе. **В основе нашей внешнеполитической деятельности всегда были и теперь остаются прагматизм, дальновидность и невмешательство в дела других государств.**

Мы с оптимизмом идем навстречу Дню независимости, уверенные в своем будущем. Сегодня ясно, что события в Андижане развеяли наши некоторые международные иллюзии. Они поставили перед нами ряд кардинальных проблем, требующих коренной перестройки деятельности некоторых структур, звеньев работы, улучшения воспитания прежде всего молодежи и формирования у воинов обостренного чувства ответственности за высокую бдительность, постоянную боевую готовность и крепкую воинскую дисциплину. Все эти задачи нам по плечу.

Будем же и дальше беречь нашу страну родную, отдавать на алтарь Отечества все свои силы, знания и опыт, а если понадобится, – и жизнь. Родину любить – значит надежно ее защищать во все времена и от всяких посягательств. В этом наш долг и святая обязанность.

**Анфим ХЛЫЗОВ.**

# «ВАТАН — УЛУҒ ТУШУНЧА...»

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

— Дунёда инсон учун, халқ учун Ватан осойишталигидан улуғ тушунча йўқ, — дейди у, ўша кунларни эслаб. — Уруш нима эканини кўрган одам тинчлик ер юзидаги энг бебаҳо неъмат эканини чуқур англайди. Биз ана шу қадриятларни, халқимиз тинчлиги, она юртимиз хавфсизлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини ҳимоя қиламиз. Дунёда бундан кўра шарафлироқ иш йўқ, деб ўйлайман.

Маълумки, 2000 йилнинг август-сентябрь ойларида халқаро террорчилар мамлакатимизнинг жанубий сарҳадларига, Сариосиё ва Узун туманларига суқулиб киришга ҳаракат қилишди. Тажовузни бартараф этиш учун махсус операция ўтказилиши олдидан давлатимиз раҳбари Сариосиё туманига бориб, аскарларнинг жисмоний тайёргарлиги билан яқиндан танишди, чегарачилар билан учрашиб, нафақат Олий Бош қўмондон, айни пайтда бир ота сифатида уларга маънавий мадад берди.

— Президентимиз куюниб айтган шу ўгитлар менга жуда қаттиқ таъсир қилди, — дейди Элёр Абдураҳимов. — Ўшанда биз Термизда, чегара ҳимоясида турган эдик. Эҳтимол, шу боис бизни Сариосиё ва Узун туманидаги тажовузни бартараф этишга сафарбар қилишмагандир? Аммо сарҳадларни ҳимоя қилиш билан бирга, кўнглимиз ўша нотинч ва беқарор ҳудудда эди. Баҳодир ҳамкасбларимиз ушбу тажовузни бартараф этгач, хотиржам бўлдик.

Бир ярим йил мана шу тарзда ўтди. Бу вақт ичида замонавий, профессионал армиямизни шакллантириш борасида қатор амалий ишлар қилинди. Элёрга ўхшаган бақувват, иродаси мустаҳкам йигитлар учун шартнома асосида хизмат қилиш тизими жорий этилди. Шу тариқа у халқ тинчлиги, Ватан осойишталигини ҳимоя этишни ўзи учун шараф деб билди ва шартнома асосида хизматни давом эттиришга қарор қилди.

Мана, олти йилдирки, қаҳрамонимиз жанубий сарҳадда жойлашган ўзбек-афғон чегарасида хизмат қилмоқда.

Бу — ҳар қандай инсондан катта масъулият талаб этишини таъкидлашга ҳожат бўлмаса керак. Ҳозирги нотинч ва таҳликали замонда чегарада хизмат қилиш кишидан алоҳида мардлик ва матонат, чидамлилик ва зийраклик, қатъият ва салоҳият талаб этади. Қисм командирлари Элёрда айни шу хислатларни кўргани учун ҳам уни қисмда олиб қолишди. Дарвоқе, юз-кўзидан нур ёғилиб турган бу самимий йигит одамни беихтиёр ўзига ром этади. У содда ва камтарин, шу билан бирга, мард ва танти.

— Эндиликда армиямиз қаҳрамонлик, ор-номус, интизом, жасорат ва ватанпарварлик мактабига айланди, — дейди қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Улуғбек Эрйигитов. — Профессионал армияда хизмат қилаётган ҳарбийларга ўз касб маҳорати ва билимини амалда қўллаш имкони яратилди. Мана шу Элёрга ўхшаган йигитларнинг фидойилиги туфайли ҳарбий хизматнинг нуфузи ва обрўси тобора ошиб бормоқда. Миллатимизнинг минг йиллар давомида шаклланган асл қиёфаси, азалий қадриятлари ва фазилатларини ўз табиатида мужассам этган бундай мард, ватанпарвар, ҳаёт ва хизмат машаққатларида тобланган кичик командирлар кўплаб ёшларимизга ҳар томонлама ибрат бўлиб келаётир. Улар ўзлари туғилиб ўсган, ота-боболаримизнинг табаррук хоки ётган муқаддас заминимизни кўз қорачиғидек асрашга доимо тайёрдир.

Шартнома асосида хизмат қилаётган кичик сержант Элёр Абдураҳимов фаолияти мисолида мамлакатимизда Қуролли Кучлар қурилиши соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасини яққол кўриш мумкин. Элёр ўзи каби сержантлар фаолияти мамлакат манфаатларига мос бўлиши лозимлигини теран англайди, оддий аскарлар ва офицерлар ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўтаб, ёшларга «Сиз билан бизнинг ортимизда оиламиз, ота-оналаримиз ва 26 миллион халқимиз турибди. Уларнинг тинчлиги ва осойишталиги ҳар биримизнинг ҳушёрлигимизга, фидойилигимизга бевосита боғлиқ», деб уқтиради.

Ҳа, оддий аскарларнинг ҳарбий кўникмани ўзлаштиришида сержантлар ибрати ғоят муҳим. Шу маънода, айтиш жоизки, кичик сержант Элёр Абдураҳимов қисмдаги оддий аскарларнинг энг яқин йўриқчиси ва маслакдошига айланган.

Ҳарбий хизматчи жисмонан бақувват, синовларда тобланган бўлиши лозим. Элёр бу борада ҳам ёшларга ибрат бўлиб келади. У ўз қисмида, жисмоний тайёргарлик борасида ҳозиргача биринчиликни ҳеч кимга берган эмас.

— Хавфсизликка таҳдидлар кучайган ҳозирги замонда сарҳадларимиз дахлсизлигини ҳимоя қилишнинг ўзига хос машаққатлари нималардан иборат?

Бизнинг саволимизга жавобан қаҳрамонимиз шундай дейди: «Аскар ҳаётида, чегарада турган дамларда оғир ва таҳликали сониялар бўлади, албатта. Ана шу лаҳзаларда ватандошларим, миллионлаб одамлар бизга ишониб меҳнат қилаётганини, тинч-осойишта яшаётганини бот-бот эслайман. Бу эса менга руҳий куч-қувват ва сергаклик бағишлайди.

Бу дунёда бизга ҳавас билан қарайдиганлар билан бирга ҳасад кўзини тикиб турганлар ҳам йўқ эмас. Андижон воқеалари бунинг яна бир тасдиғидир. Аммо мен Андижон деганда миришкор деҳқонларни, «Нексия», «Ласетти» каби ажойиб машиналар яратаётган тенгдошларимни, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев, Ўткирбек Ҳайдаровдек олимпия ва жаҳон чемпионларини кўз олдимга келтираман. Ва ўзим ҳам ана шулардек бўлишни, Ватанимизга муносиб хизмат қилишни истайман».

Элёрнинг яна бир хислати — у доимо узоқни кўзлаб, эзгу ният билан яшайди ва ўз олдига қўйган мақсадни рўёбга чиқариш учун астойдил ҳаракат қилади. Келажакда у офицер бўлмоқчи. Ҳамкасбларининг айтишича, шу йўлда у ҳозир жиддий тайёргарлик кўрмоқда.

Биз Элёр Абдураҳимов ҳақидаги ҳикоямизнинг бошида «Шу йилнинг 16 июни унинг ҳаётида ҳеч унутилмас кун бўлиб қолди», деган эдик. Дарҳақиқат, ўша куни у хизмат қилаётган Термиз шаҳридаги алоҳида чегара назорати базасига Президент Ислом Каримов ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари аскарлар билан бўлган самимий суҳбат чоғида кичик сержант Элёр Абдураҳимовга алоҳида эътибор қаратди. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ҳикоя қилади:

— Муҳтарам Президентимиз қисмимиздаги аскарлар билан оталарча суҳбат қилди, ҳар биримизнинг оилавий аҳволимиз, хизмат шароитимиз ва ёшимиз билан қизиқди. Давлатимиз раҳбари менинг саломимга алик олгач, неча ёшдасиз, деб сўради, шунда мен бугун йигирма тўрт ёшга тўлдим, деб жавоб бердим. Юртбошимиз буни эшитиб, мени туғилган куним билан қизғин қутлади. Мен ниҳоятда ҳаяжонланиб, очиғи, нима дейишимни ҳам билмай қолдим. Президентимиз номидан менга телевизор ва радиоприёмник совға қилинди. Бу кун нафақат мен учун, балки ҳамкасбларим, оила аъзоларим ва дўсту ёрларим, айниқса Наманганда яшаётган ота-онам ҳаётида ҳам ҳеч унутилмас кун бўлиб қолади.

Мен юртимиздаги ҳар бир инсон Президентимиз билан учрашишни орзу қилишини яхши биламан. Буни қаранг-ки, дилимдаги мана шу ният туғилган кунимда рўёбга чиқди. Ва мен бу улуғ инсон биз ўйлагандан ҳам бағрикенг, ёшларга меҳрибон ва ниҳоятда халқпарвар эканини юрак-юракдан ҳис этдим.

Элёрнинг содда, самимий сўзлари кишининг ҳавасини келтиради. Менинг: «Ватанни қандай тасаввур қиласиз?» — деган саволимга жавобан у: «Ватан - улуғ тушунча, уни ифода этиш учун менинг сўз бойлигим камлик қилади», - деди.

Унинг гапларини тинглар эканман, менинг хаёлимдан қуйидаги сатрлар ўтади:

Сен - онам, сен - синглим, ёримсан азал,
Эй жону жаҳоним, Ўзбекистоним...

Жондан азиз бўлган мана шу Ватанимизнинг тинчлиги, осойишталиги ва дахлсизлигини ҳимоя қилиш нафақат Элёр Абдураҳимов каби чегарачи йигитларнинг, балки ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Ушбу ҳикояни Элёр Абдураҳимовнинг давлатимиз раҳбари номига ёзган миннатдорлик хатидаги қуйидаги жумлалар билан якунласак, мақсадга мувофиқ бўлади:

«Сизнинг Ватанимиз тинчлиги, тараққиёти ва келажаги йўлида олиб бораётган улкан амалий ишларингизда биз, ёшлар доимо камарбастамиз.

Ўзингиз таъкидлаб айтганингиздек, ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди!»

**Тошпўлат ХОЛИҚОВ.**
**(«Turkiston» газетасининг 22 июнь 49-сонидан олинди).**

# ОБОД ЗАМИН, БУНЁДКОР ЭЛ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, ўзбек меъморчилигининг шаклланишида темурийлар ва шайбонийлар сулоласи энг катта ҳисса қўшишган.

Гап ўзига хос ўзбек меъморчилиги хусусида кетаётган экан, ҳовли маданияти билан боғлиқ фикрга эътиборни қаратсак. Тўғри, кўп қаватли турар жой бинолари бугун қайсидир маънода шаҳарларимизга кўрк бағишлаб турибди. Аммо ҳовли бунёд этиш, унда истиқомат қилиш кўпчилик ўзбекнинг орзуси. Хўш, ҳовли нима ўзи? Инсоннинг яшаши учун шунчаки бошпанами? Нега меъморчилигимизнинг гўзал ва бетакрор намуналари унда акс этган? Айнан шу каби саволларга жавоб излаш ҳовли маданияти замиридаги ўзига хос қадриятларни, бой фалсафани ҳис этишимизга ёрдам беради.

Санъатшунос олима Муҳаббат Қаюмова шундай ёзади: «Ўзбекистон шароитида ҳовли бир қатор ўзига хос хусусиятларга эгадир. Шу нарса ҳам маълумки, унинг асосида табиат, иқлим, кишиларнинг турмуш ва яшаш тарзи билан чамбарчас боғлиқ бўлган ўзига хос қонунлар тизими ётади.

Европача ҳовли билан ўзбек ҳовлиси нафақат шаклий жиҳатдан,балки мазмунан ҳам фарқ қилади. Ўзбекистон шароитидаги ҳовли европача ёпиқ маконли жойлардан ўзига хос хусусиятлари ва ўлчамлари билан ажралиб туради. Европа архитектурасида ички макон кўп қаватли турар жойлар, яъни «ҳовли қудуқлар», катта бўлмаган қурилишлар орасидаги очиқ жойлар ва бошқалардан иборатдир».

Ҳа, олима таъкидлаб ўтганидек ҳовли мисолида миллатимизнинг бой маданияти, маънавиятини яна бир бор ҳис қилиш мумкин. Кўҳна Шарқ афсоналарига кўра, ўсимликларнинг, табиатдаги уйғунлик ва мувозанатнинг ҳомийси «хаурватат» деб номланган. «Ҳовли» сўзи ҳам айнан унинг номидан келиб чиққан бўлиши мумкин, деган қарашлар мавжуд. Луғавий маъносига эътибор қаратадиган бўлсак, унинг ҳаволи сўзидан келиб чиқиб, талаффуз этилишини билиб оламиз. Ҳаводаги, очиқ макондаги жой маъносига урғу берилиб, шундай атала бошлаган бўлса керак.

Мутахассислар Марказий Осиё ҳудудидаги ҳовлиларни асосан уч қисмга бўлишади: очиқ ҳовли, ярим ёпиқ айвон, ёпиқ бино. Таъкидлаш жоизки, ҳовлида Шарқ меъморчилигининг гўзалликлари акс этган. Дейлик, аждодларимиз асос солган меъморчиликда макон масаласи асл мақсад сифатида намоён бўлади. Яъни Аллоҳга макон орқали интилиш, йўл топиш фалсафаси. Масалан, ҳовли саҳнига ишлатиладиган нақшларни олайлик. Улар шунчаки безак маъносини англатмаган-да. Нақш, шакл ёки араб ёзувидаги эпиграфика ўз рамзий маъносига эга бўлган. Масалан, ёвуз кучлардан асраши учун Яратганга мана шундай рамзлар орқали мурожаат этилган. Ҳовли усталари ўша давр маданияти, идеаллари, одамларнинг турмуш тарзи, иқлим шароити ва ҳоказоларни инобатга олишган ҳолда ижод қилишгани тарихдан маълум.

Ҳовлининг эстетик қадр-қиммати моҳиятига назар ташланганда ҳам унда дунёни билишнинг, идрок этишнинг нафис жилоларини ҳис қиласиз. Ҳовли шаклининг олимлар эътироф этишган етти қоидасига кўз югуртирарканcиз,- бунга янада амин бўласиз. Биринчи қоидаси тартиб ва мутаносиблик, яъни симметриядир. Бу ҳовли тузилиши учун зарур қоидадир. Маълумки, симметриянинг ўрни табиатда ҳам жуда муҳим. Бу билан аждодларимиз табиат ва инсон уйғунлигига ишора этишган. Иккинчи қоида «Чизма усулининг муқимлиги» дея номланаркан. Бу ўринда ҳовли қуришда равоқ, тоқ, устун қаторлар, айвон каби бир хил шакллардан фойдаланиш меъморчилик маконининг мураккаблашишига йўл қўймаслиги таъкидланган. Бир шаклнинг турли хил бичимда қурилиши, унинг кичикдан каттага ёки аксинча ўзгариб бориши – бу учинчи қоида. Навбатдагиси эса чегараланган маконни, ҳовли тарзини қуриш деб номланиб, бу чекланган текисликда жойлашган ҳовлининг олд қисмини кўриш имкониятини беради. Бешинчи қоида – кетма-кет боғлиқликда фалсафа борлигини дарҳол англайсиз. Бунда сиз уста меъморнинг ғоясини кетма-кетликка риоя қилган ҳолда ҳовли қурилишига қараб тушунасиз. Макон чегаралари, деворлар юзаси нақшлар билан қопланиши, яъни илмий тил билан айтганда, табиат билан уйғунлашиб, «моддийлашуви» олтинчи қоидасидир. Ҳовли тизимидаги ўзига жалб қилувчи қисмларнинг макон сезилиш даражасини кенгайтиришга ёрдам бериши еттинчи қоида сифатида эътироф этилган.

Ҳовли маданияти хусусида гап кетганда, унда Қўқон меъморчилигининг ҳам ўрни беқиёс эканлигини сезамиз. Айтиш лозимки, Қўқон ҳовлилари очиқ ҳовли, ярим ёпиқ айвон ва ёпиқ бинодан иборат маконий учликни ўзида мужассамлаштирган. Шу ўринда XX асрнинг бошларида бунёд этилган Саъдихоннинг ҳовлисини мисол келтиришимиз мумкин. Унда анъанавий иккиҳовлилик акс этган бўлиб, булар аёллар ва болалар учун ички ҳовли ва ташқари ҳовли ҳисобланган. Усталар китоба, ислимий, наботий дея номланган нақшлардан фойдаланишган. Юқорида таъкидлаганимиздек, улар шунчаки безак, чирой эмас, рамзий, фалсафий маъноларни ўзида мужассам этган.

Эътибор берган бўлсангиз, биз кўпроқ ҳовли маданиятининг моддий жиҳатларига эътибор қаратдик. Табиийки, унинг маънавий аҳамияти ҳам беқиёс бўлиб келган. Гўзал урф-одатларимиз, меҳмондўстлигимиз, ўзаро ҳурмат-эътибор, умуман олганда, кўплаб қадриятларимиз ҳовлида шаклланган. Ҳовлидаги маънавий муҳитдан озиқланган инсон камолот сари интилган.

Юқорида бунёдкорлигимизнинг фақат биттагина қирраси - ҳовли маданиятининг қисқача шарҳи орқали бой маънавиятимизга назар ташладик. Бунёдкорлик замирида илм-маърифат, маданиятнинг қай даражада шаклланганига эътибор бердик. Пировардида шуни таъкидламоқчи эдимки, истиқлолимиз халқимиздаги бунёдкорона руҳни уйғотди, янгича мазмун-моҳият билан бойитди. Буни юртимизда бўлаётган улкан бунёдкорликлар, қурилишлар, янгиланишлар орқали кўриш мумкин. Фарзандларга, келажак давомчиларига обод Ватан қолдиришдек эзгуликнинг ўзи улкан бир бахт эканлигини ҳис этасиз, уларга қараб.

**Майор**
**Алижон САФАРОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**



## ЭҲТИРОМ

Слово о коллеге

# В УНИСОН РИТМУ АРМИИ



**Начальник отдела воинской службы и воспитательной работы редакции газеты «Ватанпарвар» подполковник Владимир Калошин тридцать пять лет жизни посвятил служению Родине. Специфика данного отдела такова, что здесь просто невозможно быть кабинетным работником: для того, чтобы постоянно держать руку на «пульсе» армии, надо всегда находиться в гуще событий. Зарисовки о героях ратных будней, репортажи с полей боевой учебы, с полигонов, из районов учений, а также аналитические статьи, написанные его рукой, нашли достойное место в летописи Вооруженных Сил независимого Узбекистана.**

Журналистом он стал не сразу. Закончив Ташкентское высшее общевойсковое командное училище, служил по родному мотострелковому профилю. Однажды в их часть прибыл корреспондент с заданием написать заметку о перспективном молодом офицере. Добросовестно собирая материал о своем герое, тогда еще старшем лейтенанте В.Калошине, тот журналист стал знакомиться с его служебными тетрадями, другими документами. Четкость стиля, логика в изложении и вескость аргументации сыграли свою роль. Предложение писать заметки было лестным и обязывающим. По себе знаю: ведь постоянно, наряду с темой очередной публикации, ищешь нештатных авторов из числа офицеров, военнослужащих по контракту, да и солдат срочной службы, умеющих связно излагать свои мысли. Соглашаются, как правило, охотно, однако пишут крайне редко. Но если человек «заболел» журналистикой всерьез, то можно смело ставить «диагноз» — неизлечим. Вот и офицер Калошин оказался из тех, кто просто не захотел «лечиться». Раз за разом стал публиковаться в газетах. Печатали часто — автор знал тему очень хорошо, как говорится, видел ее изнутри. Выхватывал такие детали, которые в одной беседе невозможно заметить.

В редакцию газеты «Ватанпарвар» Владимир Николаевич пришел уже сложившимся военным журналистом, имеющим богатый опыт служебной деятельности. Умение постоянно работать над собой, неустанное совершенствование своего профессионального мастерства всегда были его отличительными чертами. Постоянный поиск новых форм подачи материалов, новых тем и подходов к работе по освещению жизнедеятельности Вооруженных Сил — в этом плане он всегда является примером для товарищей по журналистскому «цеху». Например, тематические полосы, посвященные воинским коллективам — победителям соревнования на звание лучшей части, прижились в газете, как говорят в таких случаях, с легкой руки подполковника Владимира Калошина. И таких примеров можно привести еще много.

— Отличительной чертой моего наставника является его искреннее желание помочь коллеге дельным и нужным советом, подсказать новую тему, пути ее раскрытия, — говорит старший корреспондент этого отдела старший лейтенант Хасан Мирзаев. — Не только лично мне, но и другим моим товарищам помогли советы подполковника Калошина.

Особой строкой легли в биографию военного журналиста события 2000 года, когда банды международных террористов вторглись в пределы нашей страны. Полные лиризма очерки о погибших героях нашей Родины навсегда сохранились в сердцах читателей. Мне запала в душу его фраза о лейтенанте Бобуржоне Ганиеве, посмертно удостоенном ордена «Шон-Шараф» II степени: «У него хватило сил и мужества для выполнения боевой задачи. Не хватило одного — крови. Всю ее, до последней капли, офицер отдал делу защиты независимости». Лучше не скажешь...

Выезжая на боевые пуски ракетчиков, наблюдая за полетами авиаторов, тактическими учениями мотострелков, офицер В. Калошин спешит набраться личных впечатлений, хотя за многолетнюю службу в войсках видел подобное не один раз. Сложить же воедино из этой «мозаики» цельную картину помогает участие в работе военных советов округов, на заседаниях Военной коллегии Министерства обороны. Статьи с подобных мероприятий не были простым пересказом всего услышанного, они становились примером анализа, подкреплялись конкретными фактами из багажа журналиста.

В суете повседневных журналистских забот не остается времени для литературного творчества. Хотя книга подполковника Владимира Калошина «Это нашей истории строки» удостоена приза на конкурсе Центрального совета ОСО «Ватанпарвар». И здесь старший коллега преподал нам предметный урок целеустремленности и настойчивости. В личном его архиве еще немало задумок, реализация которых намечена на более спокойные времена.

Хотя будут ли они, более спокойные? Вряд ли. Медаль «Шухрат», которой по заслугам отмечен ратный труд военного журналиста, как бы зовет "к штыку приравнять перо", поставив его на защиту интересов нашей независимости. А раз так, то значит, покой коллеге вновь только снится...

**Майор А. АЙНАТДИНОВ.**

# ЖЕЛАЕМ НОВЫХ УСПЕХОВ!









У коллектива типографии Службы канцелярии Управления делами Министерства обороны Республики Узбекистан работы всегда непочатый край. Оно и понятно, ведь им поручен непростой участок по обеспечению печатной продукцией служебного характера не только подразделений и частей Министерства обороны, но и Вооруженных Сил в целом.

Признаться, при встрече с коллективом большое впечатление произвела на меня царящая здесь атмосфера влюбленности в свое дело. Каждый на своем участке работы ответственен, компетентен и доброжелателен. Здесь сильны традиции корпоративного мышления, гордости за свою профессию, следования принципам взаимозаменяемости. Так, в случае возникновения нештатной ситуации, электрофотограф, например, без особых проблем может заменить печатника офсетной печати, инженер-технолог — оператора множительной копировальной машины или корректор типографии — корректора граверной мастерской. Как видите, когда отработан такой важный фактор обеспечения боевой готовности, то и в деле выполнения поставленных задач особых проблем не возникает.

Вот почему на счету данного коллектива нет ни одного сорванного заказа. И в этом немалая заслуга начальника типографии старшего лейтенанта Шоилеса Шокаримова. Его положительной энергетике, ревностному отношению к делу, умению организовать рабочий процесс, найти нужные слова к каждому из подчиненных можно позавидовать.

— Примечательна и служебная биография старшего лейтенанта Шокаримова, — рассказывает токарь граверной мастерской полковник в отставке Иван Захарович Федоренко. — Еще будучи солдатом срочной службы в соседнем подразделении, он заступал к нам в наряды. Выпускник колледжа связи очень быстро освоил тонкости печатной технологии, заразился, как говорят в нашем цехе, печатным делом, пройдя все его этапы. Одним словом, парня заметили, пригласили на службу по контракту...

От интервью старший лейтенант Шоилес Шокаримов тактично отказался. Попросил в материале сделать акцент на тех, кто сегодня, как говорится, делает погоду в коллективе — это токарь граверной мастерской, участник войны 1941 — 1945 годов, бесценный наставник молодежи Иван Захарович Федоренко, электрофотограф Зулумхор Сайдазова, наборщик Светлана Королева, печатник офсетной печати Нелля Головина, корректор типографии Тамара Юлдашева, инженеры-технологи Умида Тиллаева и Гулбахор Собирова, начальник граверной мастерской младший сержант по контракту Хокимбек Худоеров, техник-гравер младший сержант по контракту Нодирбек Очилов и другие.

Хочется пожелать сплоченному коллективу и впредь самым наилучшим образом делать порученное дело, новыми успехами в труде встретить День работников печати и средств массовой информации и дальше вносить весомый вклад в дело укрепления обороноспособности нашей Родины.

**Старший лейтенант**
**М. ХАСАНОВ.**
Фото **автора.**

# УСТОЗЛАРГА МУНОСИБ ШОГИРД

Матбаачилик тиббиётнинг нейрохирургия соҳаси сингари нозик фаолият турларидан бири бўлиб, у ушбу касб эгаларидан етук билим, амалий кўникмага эга бўлишни ва сабр-тоқатлиликни тақозо этади. Бу соҳада ҳам хатолик ва бепарволикка йўл қўйиш мумкин эмас. Айниқса, шу кун талабига жавоб берувчи, юқори технологик имкониятларга эга замонавий матбаа техникаларидан тўғри фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу талабларга тўлиқ амал қилган ҳолда намунали фаолият юритаётган матбаачи ходимларимизнинг номини бугун фахр билан тилга олсак арзийди.



Жумладан, ўзининг бажонудил хизматлари билан Мудофаа вазирлиги тарбиячи офицерларининг корига камарбаста бўлаётган Қуролли Кучлар хизматчиси Баҳром Абдураҳимов шундайлардан биридир.

Мана бир неча йилдирки, Баҳром Тарбиявий ишлар бош бошқармаси тасарруфидаги босмахонада фаолият юритиб келмоқда. Даставвал ниҳоятда мураккаб бўлиб кўринган соҳа бугунга келиб унинг севимли касб-корига айланган. Тиришқоқ йигит қисм ва бўлинмалар шахсий таркибининг таълим-тарбия жараёнларига оид ўқув-жанговар тадбирларни юксак савияда олиб бориш, ҳарбий хизматчиларнинг интизомини тобора мустаҳкамлаш, маънавий баркамоллигига эришиш, сиёсий тафаккурини янада ўстиришга йўналтирилган ўқув-услубий қўлланмалар, маърузалар, тарғибот-ташвиқот плакатлари каби турли матбаа маҳсулотларининг белгиланган муддатда чоп этилишига бош-қош бўлмоқда.

– Ҳозиргача эришган ютуқларимда, энг аввало, устозларим Раҳмонқул ака Ҳайдаров ҳамда Улуғбек Абдуллаевларнинг беминнат ўгитлари ва чексиз ғамхўрликлари мужассам, – дейди Баҳром Абдураҳимов. – Ҳар кунги иш фаолиятим мобайнида мен устоз-мураббийларимнинг бебаҳо насиҳатларига сўзсиз амал қиламан. Техника хавфсизлигига қатъий риоя этиш, бизга ишониб топширилган офсет машиналарининг мунтазам равишда бенуқсон ишлашини таъминлаш, энг муҳими, уларни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратамиз. Юқори сифатга эга маҳсулотларни чоп этиш – асосий мақсадимиз.

Дарвоқе, ҳозирда босмахона бошлиғи вазифасини бажараётган Қуролли Кучлар хизматчиси Баҳром Абдураҳимов фидокорона меҳнатлари билан юқори қўмондонликнинг рағбатларига сазовор бўлибгина қолмай, ўзининг чин инсоний фазилатлари билан ҳам каттаю кичикнинг ҳурмат-эътиборини қозонган. Ўз мақсади йўлида собитқадамлик ила бораётган ғайратли йигитнинг янада юксак марраларни забт этишига ишончимиз комил.

**Майор У.БАҲОДИРОВ.**
Суратда: **Қуролли Кучлар хизматчиси Б.АБДУРАҲИМОВ.**

# МАТОНАТЛИ МЕҲНАТИ БИЛАН



Қобил ака Бердиев мана 17 йилдирки, Мудофаа вазирлигига қарашли марказий босмахонада фаолият юритиб келмоқда. Ушбу йиллар тарих ғилдираги олдида у қадар кўп вақт бўлмасада, бир инсон ҳаётда ўзини тўла намоён этиши учун етажак фурсатдир. 17 йил муқаддам дунё юзини кўрган чақалоқ ҳозир балоғат ёшида...

Қобил ака 1986 йил ушбу даргоҳга илк келган кунини жуда яхши эслайди. Ўшанда, «Бу янги жамоа мени қандай қабул қилар экан?» деган савол уни роса ўйлантирган эди. Хушчақчақ, самимий, меҳнатсевар, фидойи ходим ҳар қандай жамоада ўз ўрнини яратади. Айнан шундай хислатлар соҳиби бўлган Қобил ака ҳам ҳамкасблари билан тезда тил топишди. Ёш ходим дастлаб, буюртмачилар учун афишалар нашр қила бошлади. Ўзининг фидокорона меҳнатлари билан раҳбарият ишончини оқлаган йигитга аста-секин жиддий юмушлар ҳам бемалол ишонилар эди. Ишнинг кўзини биладиган лавҳамиз қаҳрамони, зиммасидаги барча вазифаларни сидқидилдан бажарар эди. Унинг матонатли меҳнати бир неча бор тақдирланди. Фидокорона меҳнатлари учун 1993 йилда илк бора Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари томонидан Фахрий ёрлиқ билан тақдирланганда, Қобил аканинг кўнгли тоғдек кўтарилди. У бундай юксак эътибордан илҳомланиб, ўз ишига янада меҳр қўйди. 1996-98 йиллар унинг заҳматли меҳнати Мудофаа вазири томонидан кетма-кет муносиб баҳоланди. Бу Қобил ака ва унинг оила аъзолари томонидан ҳақиқий байрамдек кутиб олинди. Оила бошлиғининг касбдаги ютуғида аҳил ва тотув оиланинг ўзига хос ўрни бор, албатта. Бу ерда шарқона аёлларга хос ижобий фазилатлар соҳибаси Нуриниса опани алоҳида эътироф этмоқ лозим. У турмушнинг яхши-ёмон кунида Қобил акага елкадош бўлди.

Оилада камолга етган тўрт нафар фарзанд ҳам йиллар суронига бардош бера олган меҳр-муҳаббат тафтида ўсиб вояга етди. Ҳозир улар ҳар бири ҳар соҳада эл хизматида.

Бугун, 24 июнь газетамиз ташкил топган кун. Ушбу байрам арафасида Қобил ака Бердиев ҳақида бежиз фикр юритмадик. Газетамизнинг йиллар мобайнида тезкорлик билан нашр қилиниб ўқувчилар қўлига етишида Қобил аканинг фидокорона меҳнатлари катта бўлган. Айнан ўша инсон 2005 йилга қадар тунларни тонгларга улаб «Ватанпарвар» газетасининг чоп қилинишига масъул бўлган. У инсон ҳозир ҳам иш доимо қизғин кечувчи босмахонада ўз вазифасини сидқидилдан адо этиб келмоқда.

**Агнеш ҚУРБОНОВ.**
**Камолиддин ТЎРАЕВ** суратга олган.

Хотира

# БИРИНЧИЛАРДАН ЭДИ

Ибодат Тешабоева... Бу ном кўпгина матбуот ходимларига яхши таниш. Опанинг кўп йиллик меҳнат фаолияти туман газетаси билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Ғаллаорол туманида чиқаётган «Ғаллаорол овози» газетасининг ўтмишдоши бўлган «Ғалла учун» газетасига турли йилларда Темур Нажмий, Пирмуҳаммад Аҳмедов, Ҳайитбой Ҳайдаров, Хўжам Исроилов, Жумабой Турдиевлар қаторида Ибодат опа Тешабоева ҳам муҳаррирлик қилган. Туман газетасининг савияси ортиб, унинг мавзулари ранг-баранг бўлишида И.Тешабоеванинг ҳам муносиб хизматлари бор. Шунинг учун ҳам матбуот ходимлари у кишининг номини эҳтиром билан тилга олишади.

1936 йилнинг кеч кузи эди. «Ғалла учун» туман газетаси таҳририятига ўрта бўйли, буғдой ранг, йигирма-йигирма икки ёшлар чамасидаги хушбичим қиз ишга келади. Ўша вақтда газетага муҳаррирлик қилган Темур Нажмий қизни илиқ қарши олади. Савол-жавобда бу қиз Жиззах ва Зомин туманлари газеталарида аввал мусаҳҳиҳ, кейинчалик адабий ходим бўлиб ишлаганлиги, газета ишига ниҳоятда ихлосмандлиги аниқланди. Муҳаррир ёш ходимга туман иқтисодиёти, унинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, таҳририятнинг ижодий фаолияти ва унинг иш услуби ҳақида гапириб беради.

Газета саҳифаларида ёритилган хат-хабар, мақола ва лавҳалар меҳнаткашларни кўтаринки руҳда меҳнат қилишга, қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга даъват этишдан иборат эди. Вазифа қанчалик муҳим ва мушкул бўлмасин, таҳририят ходимлари ва матбаачилар бунинг уддасидан чиқишга ҳаракат қилар эдилар. Ёш



Ибодат ҳам газета талаб қилган ана шу шарт-шароитларга тезда кўникиб кетди. Таҳририятнинг ҳар бир топшириғини пухта, аниқ ва ҳозиржавоблик билан бажаришга интилди. 1937 йилнинг июнь ойи бошларида уни масъул котибликка тайинлашганида ташвишлари яна ҳам кўпайиб кетди. У газетани жўшқин ҳаётнинг ҳақиқий кўзгусига айлантириш мақсадида бутун куч-ғайратини сарф қилди. Натижада газета мухлислари ҳам сезиларли даражада ошди, газетанинг умумий нусхаси олдинги йиллардан икки баравар (2000 нусха) ошиб кетди.

1939-1940 йиллар газета катта синов даврини бошидан кечирди. Ўша йилларда Каттақўрғон сув омборининг қурилиши республика ҳаётидаги катта воқеалардан бири бўлди. Бу улкан сув омбори қурилиши қишлоқ хўжалиги тараққиёти йўлида қилинган муҳим ишлардан бири бўлиб, унда меҳнаткаш халқнинг минг-минглаб вакиллари ўз фидойиликларини намойиш этдилар. Ушбу улкан сув омборини барпо этиш учун тумандан ҳам кўплаб меҳнаткашлар жалб қилинди. (Ўша йилларда Ғаллаорол тумани Самарқанд вилоятига қарашли эди). Газетада доимий равишда сув омбори қурилиши марду майдонларининг кўрсатаётган мислсиз жасоратлари ўз аксини топиб борди.

Иккинчи жаҳон урушининг дастлабки кунлариданоқ газета ходимларининг кўпчилиги кўнгиллилар қаторида фронтга жўнадилар. Орадан кўп ўтмай Ибодат опа Тешабоева газета муҳаррирлигига тайинланди. Унинг ташкилотчилиги туфайли таҳририятга Ҳалима Носирова, Саломат Қурбонова, Мамадали Замонов сингари ўсмирлар жалб қилинди. Бу ёш ижодий ходимлар муҳаррирнинг йўл-йўриқлари билан ўз фаолиятларини дарҳол фронт шароитига, Ватан мудофааси талабларига бўйсундирдилар. Газетанинг деярли ҳар бир сонида қонли жанглар тафсилоти, фронт орқасидаги машаққатли кураш ўз ифодасини топарди. Унда фронт ҳаёти ва ҳамюртларимиз кўрсатаётган мардонавор жасоратлар ҳам тезкорлик билан ёритилиб бориларди. «Ҳамма нарса фронт учун, душман устидан ғалаба учун!» деган шиор газета саҳифасидан асло тушмасди.

Уруш йилларида ижодий жамоа ва матбаачиларнинг етарли бўлмаганлиги туфайли Ибодат опа Тешабоева ҳам макет тузар, ҳам ҳарф терар, ўрни келганда саҳифаларди ҳам. Баъзида тун бўйи мижжа қоқмасдан қаламини қуролга айлантирган газета ходимларининг ўрнини босиш мақсадида шошилинч материаллар тайёрлади.

Газета урушдан кейинги тинч қурилиш йилларида ҳам халқ оммасининг фидокорона бунёдкорлик ишларини, уларнинг ғайрат ва шижоатлари, ташаббускорлиги ҳамда турмуш шароитларини мунтазам равишда ёритиб борди. Халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш йилларида Қорақишлоқ, Соврук, Бахмал ва Қангли қишлоқларида мухбирлар пости тузилди, уларнинг фаолиятини яхшилаш бўйича тегишли тадбирлар белгиланди.

Қисқаси, Ибодат опа Тешабоева ғаллароллик хотин-қизлар орасида биринчи бўлиб туман газетасида ўн етти йил, шу жумладан муҳаррир бўлиб ўн йил самарали меҳнат қилди. Тиниб-тинчимас журналист, толмас ижодкоргина эмас, айни пайтда ташкилотчи ва яқин маслаҳатчи ҳам бўлди. У умрининг охирги йилларида Ғаллаорол туман маданият уйи директори, туман социал таъминоти бўлими мудираси лавозимларида ҳам сидқидилдан ишлади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, тажрибали журналист Ибодат опа Тешабоеванинг хизматлари ўз вақтида муносиб тақдирланган, у бир неча марта вилоят ва туман кенгашлари депутатлигига сайланган. Опа 85 йиллик ҳаёти давомида кўплаб ижодий ходим ва матбаачиларни тарбиялаб етиштирди. Бугунги кунда Алибой Эргашев, Абдуҳамид Сарибоев, Ҳайитбой Ҳайдаров, Турғун Тоштемиров каби шогирдлари унинг газетачилик ишини муносиб давом эттириб келмоқдалар.

**Абдулла САИДОВ,**
***Жиззах вилояти.***

# ТВОЙ ИНТЕРЕС

## ҲАФТА ГЎЗАЛИ



Инсон эзгуликка, гўзалликка талпиниб яшайди. Бу юксак икки туйғу олий истак – мукаммалликни вужудга келтиради. Мукаммаллик эса баъни-башарнинг азалий орзусидир.

«Ватанпарвар» газетасининг бу галги соҳибжамол меҳмони – **Зарина ШОДИМЕТОВА**. У айни пайтда Тошкент Ирригация институтининг экология факультетида таҳсил олмоқда.

Санъатга, мутолаага ва меҳнатга ташна бу қизнинг эзгу орзуси келажакда юртимиз равнақи йўлида ўз муносиб улушини қўшишдир.

Зарина таҳсил билан биргаликда пойтахтимиздаги «Левайс» номли савдо корхонасида ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Лобар ва зебо қизлар! Сизларнинг ҳар бирингизда суратингизни газетамизнинг энг оммабоп рукнларидан бирида намоён этиш ва «Ватанпарвар»нинг «Ҳафта гўзали» номига сазовор бўлиш имкони бор.

Таҳририятимиз манзилига ўзингизнинг энг яхши суратингизни (рангли, ўлчами 10х15 см.дан кичик бўлмаган) жўнатинг. Қисқача ўзингиз, қизиқишларингиз, ҳаётий интилишларингиз ва орзу-мақсадларингиз ҳақида ёзиб юборинг. Ўз почта манзилингиз ва алоқа боғлаш учун телефон рақамингизни кўрсатишни унутманг (бу маълумотлар фақат таҳририят учун, улар сир сақланишига кафолат берамиз).

Газетхонларимизнинг энг кўп овозини тўплашга муваффақ бўлган суратнинг эгаси эса таҳририятимиз мукофотига сазовор бўлади.

### В МИРЕ РЕКОРДОВ

## БАРАБАННЫЙ БОЙ

Восемь кенийцев и один житель Нигерии установили новый рекорд барабанного боя в режиме «нон-стоп». Сменяя друг друга через восемь часов, тройки музыкантов играли более 4 суток. Одна из главных целей акции – изменить негативное восприятие африканского континента и его народов в мире. Музыканты переиграли предыдущих рекордсменов на 16 часов. Но они еще должны получить официальное подтверждение от организаторов Книги рекордов Гиннесса. Рекорд в соло-марафоне принадлежит австралийскому музыканту. Он играл на барабане без перерыва 84 часа.

## ЛЕКЦИЯ В ТРИ ДНЯ

Африканец Эррол Музавази прочитал самую долгую лекцию в мире. Почти 88 часов лектор распространялся о демократии перед аудиторией в Краковском университете. Большую часть времени 20-летний политолог говорил сам с собой – поляки спали сладким сном. Каждые 8 часов Музавази делал краткий перерыв, чтобы сходить в туалет, запихнуть в рот сэндвич или слегка вздремнуть. За ним бдительно следили представители Книги рекордов Гиннесса. Позже они решат, смог ли лектор побить предыдущий рекорд – 62 часа 30 минут, который принадлежит ему же.

**(По страницам Интернета).**

ХИТГА АЙЛАНГАН ҚЎШИҚЛАР РЕЙТИНГИНИ «TV – MARKAZ» ТЕЛЕКАНАЛИ ТАҚДИМ ЭТГАН.

### МИЛЛИЙ ЎНЛИК

1. Ҳеч айрилма (Райҳон)
2. Ичим ёнар (Лола)
3. 16 қўшиқ (Акбар)
4. Биламан (Сетора)
5. Йиғладим (Анвар Санаев)
6. Я хабиби (Феруза Жуманиёзова)
7. Megamix (Наҳотки сен)
8. Нозигим (Ёдгор Мирзажонов)
9. Бахтлиман (Шаҳзода)
10. Баландда (Шоҳрух)

### ЕВРОПЕЙСКАЯ ДЕСЯТКА

1. Dragostea din tei (O-Zone)
2. Get right (Jennifer Lopes)
3. Du-Du (Tarkan)
4. Лала (Жанна Фриске)
5. Obsession (Aventura)
6. Kuzu-kuzu remix (Tarkan)
7. Despre tine (O-Zone)
8. На берегу неба (Дима Билан)
9. Etjattends (Leslie)
10. Проститься (Уматурман)











### Дунё мўъжизалари



## МИСР ЭҲРОМЛАРИ

Ер куррасидаги етти мўъжиза ҳақида, албатта эшитгансиз. Уларнинг қай тариқа пайдо бўлганлигию сайёрамизнинг кўплаб бошқа бетакрор, машҳур иншоотлари, тарихий обидаларини ҳамма ҳам билмаслиги мумкин. Ушбу янги рукн остида инсоният ақлий салоҳияти ва меҳнатининг мўъжизакор маҳсулига бағишланган чиқишларни эътиборингизга ҳавола этиб бормоқчимиз.

Дунёнинг энг машҳур ва қадимий иншоотларидан бири шубҳасиз, Миср эҳромларидир. Орадан ўтган давр ҳам, содир бўлган турли тарихий жараёнлар ҳам уларга ўз таъсирини ўтказганича йўқ.

Дарвоқе, дунёнинг етти мўъжизасидан бири бўлмиш ушбу эҳромлар бизнинг кунгача сақланиб қолган ўша мўъжизалардан ягонасидир.

Тарихдан маълумки, Нил дарёси водийсида милоддан аввалги 5-4-минг йилликларда турар жойлар асосан ёғоч, лой ва қамишдан, сарой ва мастабалар – тўғри тўртбурчак шаклидаги диний, дафн учун мўлжалланган иншоотлар эса хом ёхуд пишган ғиштдан қурилган. Қадимги подшолик даврининг учинчи сулола вакили Жосер ҳукмронлик қилган замонга келибгина (мил.ав.сал кам уч минг йиллик) қурилишларда тошдан фойдаланила бошланди. Ўшанда, Жосер меъмор Имхотеп томонидан ихтиро қилинган эҳромни тошдан барпо этишга киришади.

Илк эҳром қуйидаги кўринишга эга бўлган: бир неча бор катталаштирилган анъанавий мастаба устига ундан кичикроғи жойлаштирилган. Сўнгра, яна кичиги ва ҳоказо. Натижада, олтита мастаба устма-уст жойлашган ва зинапоя шаклидаги, баландлиги 70 м.га яқин, асоси 109,2 х 121 м.ли эҳром (пирамида) пайдо бўлган.

Имхотепнинг яна бир кашфиёти шундан иборатки, у фиръавн учун марҳумларга дуойи-фотиҳа қилинадиган иншоотлар комплексини – қадимги Миср меъморлигида биринчи ансамблни яратди.

Кейинчалик қад ростлаган эҳромларнинг энг йириги фиръавнлар Хеопс (баландлиги 147 м, асоси 233 х 233 м) ва Хефрен (баландлиги 143,3 м, асоси 215,25 х 215,25 м) эҳромларидир.

Геродотнинг ёзишича, ҳар қайсисининг вазни икки тоннадан ортиқ 2300000 дона ишлов берилган катта тошдан ташкил топган Хеопс эҳроми йигирма йил давомида қурилган. Бир пайтнинг ўзида 100000 киши иншоотни барпо этишга жалб қилинган ва улар ҳар уч ойда алмаштирилган. Бироқ ушбу муддатдан сўнг уларнинг қанчаси тирик қолгани номаълум. Деярли ҳеч қандай механизмдан фойдаланмаган ҳолда кувалда ва поналар ёрдамида Нилнинг нариги соҳилида харсанг тошларга ишлов берилган, сўнгра улар папируслу арқонлар ёрдамида қурилиш майдончасига етказилган ва эҳром билан бирга ўсиб борган қия тепаликка олиб чиқилган. Шунингдек, қурилиш ишларининг ҳар босқичи муҳрланиб борган.

Ҳа, бир пайтлар ўн, балки юз минглаб инсонлар ҳаётини ўзи билан олиб кетган фиръавнлар эҳромлари одамзотни ҳанузгача ҳайратлантириб, қизиқтириб келмоқда.

**Учқун САИДНАЗАРОВ тайёрлади.**

## ИСКУССТВО КАЛЛИГРАФИИ

**Изысканная красота арабского письма издавна признана. Конечно, исламские рукописи во многом отличаются от японских или древнеегипетских иероглифов. Но по сравнению с однообразной европейской скорописью любая арабская рукописная книга – просто шедевр. Среди многих направлений исламского искусства каллиграфия (что буквально означает «прекрасное письмо») занимает особое место: согласно изречениям Пророка, каллиграф, которому удастся переписать красивым почерком Божье Слово (Коран), станет обитателем рая. Каллиграфия начала процветать на самых ранних этапах исламской истории. Очень скоро буквы семитского алфавита превратились в декоративные значки, напоминавшие упрощенные иероглифы. Эта форма письменности называлась куфи (по имени города Куфа в Ираке). Именно такой шрифт использовался для создания самых ранних копий Корана.**

В далекие времена текст Божьего Слова переписывался на специально обработанных шкурах животных тростниковым пером. Только начиная с X в. Коран стали переписывать на страницах обычной формы. Тогда же изменились очертания и размеры букв: вечно «пляшущие» и слишком крупные значки куфи стали аккуратно слитными, ровными и пропорциональными. Появился более округлый и курсивный насх, предназначенный в основном для писем и деловых документов.

В первой половине десятого столетия визирь Аббасидов Ибн Мукла завершил разработку куфического стиля, определив некоторые правила, формы и пропорции, которым с тех пор следовали каллиграфы, и первый разработал ставшую впоследствии традиционной классификацию арабского письма на шесть стилей: насх (от которого произошло большинство современных шрифтов), сульс (более курсивная разновидность насха), райхани (богато украшенный орнаментальный вариант сульса), мухаккак (жирный шрифт с широкими диагональными росчерками (цветениями), тауки (сконцентрировавший в себе многообразие сульса, в котором все буквы иногда соединяются друг с другом) и рукаи (используемый ныне, как правило, для обычного ручного письма в большинстве арабских стран). Из этих шести стилей, а также из куфического в более поздние времена каллиграфы не только арабского мира, но Ирана, Турции детально разрабатывали и развивали другие шрифты.

Самыми искусными каллиграфами считались писцы Оттоманской Турции. Недаром популярная поговорка тех времен гласила: «Коран был открыт в Мекке, прочтен в Египте и написан в Стамбуле». Турки создали изящный придворный декоративный шрифт дивани, придумали стиль мусанна (арабское слово, означающее «двойной»), где одна половина текста является зеркальным отражением другой.

Еще более изобретательной была разновидность арабского письма, которую можно назвать изобразительной каллиграфией: в ней текст (обычно стихи из Корана или мудрое изречение) расписан в форме птицы, животного, дерева, лодки или другого предмета. Коранический стиль куфическим шрифтом, к примеру, мог быть расписан так, чтобы при этом создалась картина мечети или минарета.

Одним словом, арабское письмо – это не просто удобный способ информации, а гигантский пласт исламской культуры. Не случайно в течение нескольких столетий после изобретения печатных машин арабский мир по старинке продолжал полагаться при создании книг (особенно Корана), правовых и других документов на рукописные формы письма. Каждая древняя рукопись неповторима не только по содержанию, но и по стилю, а восточная каллиграфия давно уже стала предметом отдельной науки.

В отличие от христианских рукописей, сопровождаемых всевозможными виньетками и маргинальными миниатюрами, поля арабских книг сохраняют девственную чистоту. Лишь некоторые заголовки могут быть украшены эффектным орнаментом. Тем не менее, хитроумные сплетения арабской вязи приковывают внимание не меньше, чем самый закрученный сюжет европейской картины.

Исключение составляет Коран. Главную книгу Ислама всегда украшали с любовью и нежностью. Некоторые листы больше напоминают эскиз для персидского ковра или рисунок роскошного сада, чем страницу текста.



**Подготовил Сергей БУДАЕВ.**

## ЗЕҲН СИНОВИ

Ҳурматли муштарий! Бугунги кунда тест кириб бормаган соҳа қолмади, ҳисоб. Билим тест орқали аниқланади, билимнинг мезони тест-да!

Таҳририятимиз ана шуни ҳисобга олиб, газетамиз саҳифаларида «Зеҳн синови» рукни остида кичик-кичик тест саволлари бериб боришга қарор қилди. Бу билан биринчидан билимингизни синаб кўрасиз, иккинчидан, сабоқ ҳам оласиз.

Саволларга тўғри жавоб берганларнинг исм-фамилияси «Ўзбекистон» телевидениесининг биринчи канали орқали намойиш этилаётган «Ватанпарвар» кўрсатувида мунтазам бериб борилади ва газетада чоп этилади.

**ТАҲРИРИЯТ**

1. Алгебранинг отаси ким?
а) Пифагор;
в) Арасту;
с) Ал-Хоразмий.

2. Кушон давлатига ким асос солган?
а) Кушон;
в) Билка Қоон;
с) Кужула Кадфиз.

3. Аристотелдан кейин «иккинчи муаллим» номини олган машҳур алломанинг номи қайси жавобда тўғри кўрсатилган?
а) Фарғоний;
в) Фаробий;
с) Марғиноний.




## КАК ВЫ ОТНОСИТЕСЬ К КАРЬЕРЕ?

А не пора ли вам сделать шаг по служебной лестнице? Чтобы выяснить, в какую сторону он будет, ответьте на вопросы теста. Выберите из предложенных вариантов ответов тот, который наиболее вам соответствует. За каждый ответ «а» начислите себе 3 балла, за «б» – 2, за «в» – 1.

1. Завтра вы уезжаете в отпуск. Надо купить массу вещей и собраться. Но только вы собрались уйти с работы, как шеф поручает вам срочные дела. Как вы поступите?
а) садитесь и работаете, пока все не сделаете;
б) откладываете отъезд;
в) отказываетесь от задания.

2. На освободившуюся вакансию претендуете вы и двое ваших коллег. Как вы себя поведете?
а) сделаете все, чтобы доказать, что вы лучший из лучших;
б) будете продолжать работать в ожидании решения;
в) останетесь равнодушны.

3. Ваш(а) муж (жена) любит классическую музыку, вы – легкую. Как примирить ваши вкусы?
а) постараетесь перевоспитать мужа (жену);
б) попробуете сами полюбить классическую музыку;
в) оставите мужа (жену) в покое вместе с его (ее) вкусом.

4. Вы стали свидетелем уличного происшествия. Милиция разыскивает свидетелей. Намерены ли вы заявить о том, что видели?
а) да;
б) нет, так как не помните точно, что произошло;
в) нет, так как не любите ввязываться в подобные истории.

5. Если вы с кем-то столкнулись на улице – ваша реакция?
а) «Бывает», – скажете вы сами себе и пойдете дальше;
б) ледяным тоном извинитесь;
в) обругаете встречного.

Просуммируйте набранные баллы.

**5 баллов.** Вы наверняка и не помышляете о карьере. Вы застенчивы, стараетесь не обращать на себя внимания. Если вы не станете активнее, то навсегда останетесь «старшим помощником младшего дворника».

**6-10 баллов.** Вы относитесь к работе, как к тяжелой ноше, несмотря на то, что она вам приносит удовлетворение. Вам чужды качества карьериста. Личное для вас намного важнее продвижения по служебной лестнице. Так что не жалуйтесь.

**11-15 баллов**. Вы – оптимист, прекрасно знаете, чего хотите и как этого достигнуть. Скорее всего, вы добьетесь своего.

### Сўраган эдингиз

**Исмлар ҳақида ҳам фан бор, деб эшитганман. Шу ростми?**

**Кичик сержант Бахтиёр НАМОЗОВ.**

Тўғри, исмлар ҳақида алоҳида фан мавжуд. Уни «онаматика» деб аташади. Маълумки, исм сўзи лотинчада «номен», грекчада «онома», немисчада «наме» сифатида жаранглайди. «Онаматика» сўзи ҳам шуларнинг негизидан олинган.

Маълумотларга кўра, қадимда , аниқроғи ўрта асрларда Қурияда аёллар умуман исмга эга бўлишмаган экан. Улар шунчаки кимнингдир хотини, синглиси, онаси деб юритилган. Баъзи мамлакатларда эса аёллар эркакнинг номига ўтишган. Фамилия одамзотнинг иккинчи исми, деган гап бор. У қадимги Римда пайдо бўлган. Маълум бўлишича, ўша пайтларда жой номлари фамилия сифатида қабул қилинган.

**Италиянинг дунёга машҳур Пиза минораси йиқилиш арафасида, деб ўқиганман. Бунинг сабаблари нимада ва бу ҳолатни тўхтатиб қолиш мумкинми?**

**Қуролли Кучлар хизматчиси Зебо САРИЕВА.**

Ҳақиқатан шундай. Пиза минораси тобора оғиб бораётгани бугун кўпчиликка маълум. Аммо бунинг сири ҳеч кимга маълум эмас. Эндиликда минора нафақат йиқилиб бормоқда, балки тебраниб, айланяпти ҳам.

Маълумотларга кўра, бундан чамаси 700 йил муқаддам қад ростлаган минора шарққа томон бироз энгаштириб қурилган. Ҳозир эса жануб томонга энгашиб кетяпти, минора. Дунёнинг ишларини қаранг!

Ўтган аср 30-йилларида минора қулашининг олдини олиш мақсадида унинг пойдевори 1800 тонна цемент билан мустаҳкамланган эди. Аммо бу чоранинг нафи бўлмади. Айни пайтда Италия ҳукумати минорани кузатиб туришни Буюк Британияниг қурилиш бўйича илмий-текшириш ташкилоти зиммасига юклаган. Улар пойдевор остига электр датчик қўйишганди. Датчик маълумотларига суяниладиган бўлинса, минора салкам «рақс»га тушмоқда. Бунинг сабаби ва сири юқорида айтилганидек, номаълум.

### ПОЛЕЗНЫЕ СОВЕТЫ

## ЧАЙ УКРЕПЛЯЕТ ЗУБЫ



Самый тщательный уход за зубами не спасет от кариеса, если вы не будете пить обычный чай. Последние исследования в этой области показали, что этот напиток необходим для эффективной защиты зубной эмали от различных повреждений. Подобным действием обладают также виноградный и вишневый соки, молоко, кофе и разные сыры – чеддер, бри, гауда, моцарелла и швейцарский.

## СНИЗИТЬ КРОВЯНОЕ ДАВЛЕНИЕ

На коже головы находятся акупунктурные точки, массаж которых улучшает местное кровоснабжение и комплексно воздействует на состояние всего организма. С помощью массажа активизируется застоявшаяся кровь, что предупреждает кровоизлияние в мозг. А вот массаж височной области помогает при сильных головных болях. Виски массируют кончиками пальцев круговыми движениями. Положите обе ладони на височные области, массируйте их 10 раз – правый висок по часовой стрелке, левый – против. Затем выполните это же упражнение 10 раз, но наоборот, то есть правый висок массируйте против часовой стрелки, левый – по часовой. Теперь найдите за ухом сосцевидный отросток (небольшой выступ). Поглаживание этой области поможет предупредить повышение кровяного давления. Если оно у вас нормальное, никаких побочных эффектов процедура не вызовет. При гипертонии проконсультируйтесь с врачом. Не отрываясь, скользите большими пальцами с нажимом от висков вверх вдоль ушей и за них к сосцевидному отростку. Остальные пальцы в это время поглаживают область шеи до плеч. Выполните 10 раз.

